

**"АРВТ ДАВРИДА ОИВ БЕМОРЛАРНИНГ КЛИНИК
КЎРИНИШЛАРИ"****Касимова Раъно Иброхимовна, Кучкарова Наргиза Матякубовна,****Атаходжиева Хуршида Абдуллахатовна****Вирусология илмий тадқиқот институти, Тошкент, Ўзбекистон**

ОИВ-инфекцияси беморларида антиретровирус терапия (АРТ) воситасига вирус юкламини бостириш ва хаёт сифатини ошириш мақсадларига эришиш билан бирга янги куйидаги муаммолар юзага куймокда: терапининг узук муддатли токсик таъсири, ноинфекцион хамрох касалликларнинг кўпайиши ва инфекциянинг сурункалошув шароитида стационарга ётқизиш мезонларини оптималлаштириш зарурияти.

Tadqiqot maqsadi: 2024 йилда 10 ой давомида стационарга ётқизилган беморларнинг клиник-эпидемиологик профили, шикоятлари, хамрох касалликларини тахлил қилиш.

Материал ва усуллар: 2024 йилда 10 ой давомида Вирусология институти клиникасининг бўлимга ётқизилган 127 беморнинг нафаринг картаси ретроспектив тахлил қилинди. Демографик кўрсаткичлар, ОИВ-инфекциянинг клиник босқичлари, иммунологик ва вирусологик статус, шикоятлар тузилиши, АРТга риоя қилиш ва хамрох касалликларнинг спектри бахоланди.

Тадқиқот натижалари. Беморларнинг кўпчилиги еш (50,4%) ва ўрта (39,4%) ешдагилардан иборат эди. Кўпчилиги (63%) ВИЧ-инфекциянинг IV клиник босқичида бўлса, 81,4% ремиссия босқичида эди. Беморларнинг 79,5% да аниқланмайдиган вирус юклами (<500 нусха/мл) қайд этилди, бу АРТга умумий юкори риоя қилишни кўрсатади. СД4+ лимфоцитлар миқдори беморларнинг 39,3% да ≥ 500 х/мкл бўлган, аммо 16,5% чуқур иммунотанқислик ҳолати (<200 х/мкл) қайд этилган. Беморларнинг шикоятлари **носпецифик астеник шикоятлар:** холсизоик (99,2%), иштаханнинг пасайиши (96%), бош оғриши (86,6%). Ўнг қовурга остидаги оғриқ (37%) ва бўғимлардаги оғриқ (45,6%) тўғрисидаги шикоятлар АРТнинг узок муддатли қабул қилиниши билан боғлиқ бўлган ва гепато- ва остеотоксикликни кўрсатади. Беморларнинг 66,9% да хамрох касалликлар аниқланди. Энг кўп учрагани жигар патологияси (цирроз - 20%, стеатоз - 17,6%) ва асаб тизими патологиялари (23,5%), ундан кейин юрак қон томир

касалликлари (18,8%) эди. Оппортунистик инфекциялар (сил, ЦМВ) кам холларда (2,4%) аниқланган. Беморларнинг 70,8% АРТнинг дастлабки схемасида эди. Беморларнинг 29,4% 10 йилдан ортиқ АРВТда, бу эса дорини ножуя таъсирини эътиборга олинишини талаб қилади.

Хулоса: ОИВ-инфекцияси билан стационарга ётқизилган беморнинг профили - бостирилган вирус юкламига эга бўлган, лекин ифодаланган астеник синдроми ва жигар ва асаб тизимларида хамрох касалликлари мавжуд еш ва ўрта ешдаги шахсдир. Даволанишга юқори риоя этиши паст вирус юкламаси билан тасдиқланса-да, бир вақтнинг ўзида АРТнинг кумулятив токсиклиги муаммосинн долзарблаштиради. Невролог, кардиолог, гепатолог ва эндокринологни жалб қилинган холда мультидисциплинар даволашни талаб этади.

